
MURABBIY
ILMIY-MA'RIFIY JURNAL
“MURABBIY”
ILMIY-MA’RIFIY
JURNAL
Issue:2 2021
https://science.jspi.uz/

Chief Editor:

S.Nazarkasimov, Doctor of Philosophy (Ph.D) in Sociology, Vice-Rector of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Deputy Chief Editor:
A.Turaev, senior teacher of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Members of the editorial board:

Sh.S.Sharipov - Professor
B.M.Ochilova - Professor
D.Khodjimetova - assistant professor
A.Pardaev - assistant professor
M.N.Khoshimkhonov - assistant professor
A.I.Saidkasimov - assistant professor -
F.K.Akhmedov - assistant professor
B.E.Toshboev - assistant professor
I.N.Akhmedov - PhD
D.Salimova - PhD
N.N.Alimov - assistant professor
M.Saidov - Ph.D.
X.Maxammadiev - teacher

Editorial Representative:
Abrar Turaev
Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan
Phone: +998933091877
e-mail: ijtimoiy2017@mail.ru

ONLINE ELECTRONIC JOURNAL

“Murabbiy” ilmiy-ma’rifiy jurnali

"Mentor" scientific-educational journal

Научно-просветительский журнал "Наставник"

Indexed By:

Google Scholar

Published By:
https://science.jspi.uz/

Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

MUNDARIJA / CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ

№	MUALLIFLAR/ AUTHORS / АВТОРЫ	MAQOLA NOMI/ ARTICLE TITLE/ НАЗВАНИЕ СТАТЬИ	SAHIFALAR/ PAGES/ СТРАНИЦЫ
1	**Н.А.Шермухамедова**	Даврнинг руҳи ва таълим тизими ислоҳотларининг мутаносиблиги	**4-10**
2	**С.С.Агзамходжаева**	Аёл маънавияти – ҳаёт зийнати	**11-16**
3	**О.М.Ғайбуллаев**	Ёшларда диний бағрикенгликни шакллантиришнинг фалсафий моҳияти	**17-20**
4	**Г.М.Тўраева**	Юксак маънавият маъсулияти	**21-28**
5	**Ф.Б.Файзиева**	Ёшлар кибер ижтимоийлашуви амалий социологик тадқиқот объекти сифатида	**29-32**
6	**Ф.Маматқулов**	Шахс камолотида маънавиятнинг ўрни	**33-38**
7	**А.А.Қамбаров**	Ёшларни маънавий-ахлоқий таҳдидлардан ҳимоя қилишда диний ислоҳотлар масаласи	**39-42**
8	**С.Э.Ибрагимов**	Баркамол авлодни шакллантиришда гўзаллик тушунчасининг ахамияти	**43-47**
9	**И.М.Арзиматова**	Глобаллашувнинг ёшлар маънавий тарбиясига салбий таъсири	**48-51**
10	**G.X.To`rayeva**	Globallashuv sharoitida yoshlarda axborot istemoli madaniyatini shakllantirish va rivojlantirish masalalari	**52-55**
11	**У.Б.Муҳаммадиев**	Маънавий-ахлоқий таҳдидларга қарши курашиш ўзликни англашдадир	**56-60**
12	**Н.Алиматова**	Глобаллашув шароитида ёшлар онгида миллий ғояни шакллантиришда интеллектуал қадриятларнинг роли	**61-65**
13	**S.A. Pilyak**	Analysis of the concept of identity in the context of cultural heritage interpretation	**66-71**
14	**Н.Тангиров**	Ижод жараёнининг фалсафий таҳлили	**72-75**
15	**М.Мамажонова**	Глобаллашув ва маънавий таҳдидларнинг моҳият-мазмуни	**76-78**
16	**Б. Б. Жалолов**	Зардуштийлик таълимоти манбалари таҳлилианализ источников учения зороатризма	**79-82**
17	**Ф.Абдусамадов**	Ёшлар тарбиясида ислом омили	**83-86**
18	**А.А.Абдурахмонов**	Давлат ва жамият бошқарувида ёшлар муаммоларини ҳал қилишнинг устувор йўналишлари	**87-91**
19	**M.Nabiyev**	Globallashuv sharoitida ijtimoiy-ma’naviy qadriyatlarga asoslangan mafkuraviy	**92-96**

		tarbiyaning ahamiyati	
20	**М.Маматмусаева**	Глобаллашув шароитида мафкуравий тарбиянинг ўрни: муаъммо ва ечимлар	**97-101**
21	**H.Davlatova**	Jizzax vohasi tojiklari: an’anaviy turmush tarzi va urf-odatlari	**102-108**
22	**З.Миркомилова**	Глобаллашув: манфаатлар ва зиддиятлар	**109-114**
23	**С.Музаффаров**	Миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш маънавий ҳаётнинг долзарб вазифаси	**115-118**
24	**С.Тоштемирова**	Глобаллашув шароитида маънавиятни шакллантиришда диний бағрикенгликнинг аҳамияти	**119-121**
25	**С.Каримов**	Шахснинг ҳаётий мақсадлари ва уларнинг ижтимоий аҳамияти	**122-124**
26	**А.Э.Зиётова, Э.А.Бозоров**	Глобаллашув шароитида маьнавий-ахлоқий таҳдидларга қарши курашда таълим-тарбия муассасаларининг вазифалари	**125-129**
27	**А.Ш.Эшмуҳаматов, Ж.Хушбақов**	Амир Темур салтанатининг вужудга келиши	**130-133**
28	**А.Пармонов**	Ёшлар ватанпарварлиги - хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш кафолати	**134-140**
29	**П.Қулматов**	Шах маънавиятини шакллантиришда ота-она масъулияти	**141-144**
30	**Ш.Ж.Хашимов, С.Х.Хашимова**	Маънавий глобаллашув, ахборотлашган жамият ва ёшлар тарбияси	**145-148**
31	**А.Холбоев**	Ёш авлодни юксак маънавиятли шахс қилиб тарбиялашнинг назарий – педагогик асослари	**149-154**
32	**А.Пўлатов**	Мусулмон мамлакатларида ислом омили ва сиёсий фаолият	**155-161**
33	**Н.Абулҳасан**	Виртуал терроризм ва унга қарши курашиш	**162-172**
34	**M.Muhammadsidiqov**	Mintaqaviy hamkorlik jarayonlarining metodologik asoslari	**173-180**
35	**М.Сайидов**	Жамият маънавий-ахлоқий муҳитини такомиллаштириш йўллари	**181-186**
36	**А.Рўзиев**	Дунёқарашда тарихий хотира ва онгнинг ўзаро деалектикаси	**187-193**
37	**А.Тураев**	АҚШ неоконсерватизм мафкурасининг тадқиқи: гипотеза, ўрганилганлиги даражаси ва илмий янгилик	**194-202**

АҚШ НЕОКОНСЕРВАТИЗМ МАФКУРАСИНИНГ ТАДҚИҚИ: ГИПОТЕЗА, ЎРГАНИЛГАНЛИГИ ДАРАЖАСИ ВА ИЛМИЙ ЯНГИЛИК

Тураев Абрар, Жиззах ДПИ катта ўқитувчиси

Илмий муаммонинг қўйилиши(гипотеза)

Дунёда кечаётган замонавий сиёсий жараёнлар моҳиятини тушуниш, сиёсий амбицияларни баҳолаш ҳамда истиқболли сиёсий прогнозларнинг мафкуравий омилларини англаш зарурати юзага келмоқда. Мафкуранинг сиёсатни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида намоён бўлиши, сиёсий ҳокимиятни дастаклаши, ҳокимият шаклланишининг ғоявий асоси эканлиги, мафкуравий жараёнлар моҳиятини англаш даражаси замон ва макон ҳусусиятлари билан боғлиқ эканлиги ҳамда ўзгарувчанлиги каби омиллар илмий муаммо тадқиқи заруратини оширади.

Глобал мафкуравий жараёнларнинг ўзгариш табиати ҳамда таъсир кўламининг етарлича баҳоланмаслиги ривожланаётган давлатлардаги мафкуравий барқарорликка салбий таъсир кўрсатмоқда. Сиёсий мафкураларнинг ўзгарувчан ҳарактери, интегратив ҳусусиятлари, таъсир кўламининг глобал аҳамият касб этаётганлиги, яъни мафкуранинг глобаллашуви шароитида замонавий сиёсий мафкураларнинг деструктив таъсири, ғоявий–сиёсий эволюциясидаги ўзгарувчан тенденцияларни баҳолаш, мафкуравий мўлжалларини прогноз қилиш вазифаларини кун тартибига қўймоқда. Сиёсий ислоҳатлар ва бошқарувнинг демократлашуви шароитида барқарор мафкуравий иммунитет ва мафкуравий легитимликни таъминлаш чораларининг кўрилиши деструтив таъсирларни юмшатувчи мафкуравий омиллар тизимини шакллантириш имконини беради.

Дунёдаги қудратли давлатлар рақобатининг кескинлашуви ҳамда дунё сиёсий тартиботида янгича қутблашишга бўлган амбицияларнинг кучайишига АҚШда шаклланган неоконсерватизм мафкуранинг таъсири ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Миллий манфаатлар учун кураш, таъсир доираларни сақлаб қолиш ва кенгайтириш, халқаро хавфсизликка таҳдидларнинг ортиши, демократлаштириш ғояларини ёйиш сингари манфаатлар асосан тор доирадаги манфаатлар, бизнес манфаатлари, миллий, диний ва маданий стереотипларга асосланиши сиёсий зиддиятлар кучайишининг омили сифатида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан АҚШ неоконсерватизм мафкурасининг глобаллашуви дунёдаги мафкуравий барқарорликка, ривожланаётган демократик янгиланаётган давлатлардаги соғлом сиёсий рақобот муҳитига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун неоконсерватив мафкуралар таҳлили асосида уларнинг ўзгарувчан ҳусусиятлари, ғоявий асослари ва беқарорлаштирувчи таъсири илмий-назарий асосланиши лозим.

АҚШда шаклланган неоконсерватив мафкура бошқа давлатлар ва минтақалардаги, хусусан Европа давлатларидаги неоконсерватив оқимлардан

ғоявий-сиёсий мўлжалларига кўра фарқланишига эътибор қаратиш замонавий сиёсий мафкуравий оқим сифатида неоконсерватизмнинг объектив баҳоланиши, АҚШ неоконсерватив доираларининг субъектив қарашлари ва сиёсий мўлжалларини баҳолаш, тенденцияларни таҳлил қилиш имконини беради. АҚШ неоконсерватизм мафкурасининг ғоявий таъсир потенциали, ички ва ташқи сиёсат шаклланиши ва сиёсий қарорлар қабул қилишга таъсири имкониятлари баҳоланиши ҳамда бошқа давлатлардаги неоконсерватив ғоялардан фарқли хусусиятлари аниқлаштириш мумкин бўлади.

Сиёсий модернизациялашув бевосита сиёсий мафкура омили билан боғлиқ бўлиб, демократик институтлар, хусусан, сиёсий ҳокимият шаклланиши ва амал қилишининг назарий асосини ташкил қилади. Бу эса замонавий сиёсий мафкураларнинг илмий-назарий ҳамда категориал асосларини тадқиқ этишни долзарблаштирмоқда.

Сиёсий ҳокимият ҳарактерини сиёсий мафкуралар белгилаб бериши, ҳар қандай сиёсий мафкуранинг категориал аппарати мавжудлиги, сиёсий мафкуранинг бош ва асосий ғоялари мавжуд бўлиши, категориялар тизимининг шаклланиши ва мафкуравий категорияларининг таснифланиши нуқтаи назаридан сиёсий мафкуралар тадқиқида унинг ички тузилмаси шаклланиши ҳамда ғоявий эволюцияси инобатга олиниши керак.

Сиёсий манипуляция усул ва воситаларининг ортиши, чалғитувчи “идеаллар” дан фойдаланиш асосида сиёсий мафкуранинг ҳаққоний моҳияти ва ғоявий-сиёсий асосининг мавҳумлаштирилиши, сиёсий мафкураларнинг тобора интегратив ҳусусият касб этаётганлиги сиёсий ҳокимиятнинг манипуляциясини янада кучайтириб боради. Шу жиҳатдан АҚШ неоконсерватизми сингари сиёсий мафкураларнинг ғоявий-сиёсий асосини таснифлаш, категорияларини тизимлаштириш ҳамда манипуляцион имкониятларини кўрсатиш орқали унинг деструктив таъсирини баҳолаш лозим.

Сиёсатшунослик соҳасида мутахассислар тайёрлаш, илмий-педагогик кадрлар етиштиришда сиёсий мафкураларни ўрганишни такомиллаштириш, чуқур таҳлилий ёндашиш зарурати мавжуд. Сиёсий жараёнлар таҳлилида сиёсий мафкуралар ўрнининг юқори эканлиги ҳамда назарий-методологик асос бўлиши нуқтаи назаридан сиёсий таълимда сиёсий мафкуралар мавзуларини чуқур ўрганиш, фан дастурлари ва ўқув-услубий адабиётлар мазмунини янги илмий тадқиқотлар асосида такомиллаштириш, хусусан, АҚШ неоконсерватизм мафкурасининг ғоявий асослари ва мафкуравий категориал тизими таснифи киритилиши неоконсерватизм мафкураси моҳияти ва унинг миллий йўналишлари ўртасидаги фарқларнинг етарлича англанишига ҳизмат қилади. Маҳаллий олий таълим муассаларида сиёсатшунослик туркумига кирувчи мутахассислик тайёрлов йўналишларида фойдаланаётган фан дастурлари ҳамда ўқув адабиётларида неоконсерватизм мафкураси мазмуни ёритилишида АҚШ неоконсерватизмининг ғоявий-сиёсий асослари ҳамда асосий категорияларининг сингдирилиши лозим. Жаҳон сиёсий

тадқиқотлари илмий натижалари, хулосаларга кўра АҚШ неоконсерватизм мафкурасининг категориал тизими неоконсерватизмнинг бошқа миллий вариантлари ғоявий асослари билан фарқ қилмоқда. АҚШ неоконсерватим мафкурасининг категориал тизими тавсифининг берилиши бўлғуси сиёсатшунос мутахассислар ва тадқиқотчиларда АҚШдаги сиёсий жараёнлар (ички ва ташқи сиёсат) моҳиятини чуқур англаш, АҚШдаги неоконсерватив доираларнинг сиёсий мўлжалларини баҳолаш ва объектив таҳлил қилиш имкониятини оширади.

АҚШ неоконсерватизмининг глобал мафкуравий муносабатларда устуворликка даъвоси ва унинг сиёсий жараёнларга салбий таъсири, неоконсерватизм мафкураси таъсирида шаклланган ҳамда амалга оширилган сиёсий қарорларнинг илмий жамоатчилик томонидан етарлича баҳоланмаётганлиги, АҚШ неоконсерватизм мафкураси борасида манбаларнинг етарли эмаслиги, ғоявий-сиёсий эволюциясининг тадқиқ этилмаганлиги замонавий геомафкуравий жараёнлар таҳлилини мураккаблаштирмоқда. Хусусан, АҚШ ва унинг ички ҳамда ташқи сиёсат билан боғлиқ масалалар муҳокамаси, илмий тадқиқотларда АҚШдаги неоконсерватив ғоялар таъсирига эътибор қаратмаслик натижасида нохолис илмий хулосалар ҳам шаклланиб қолинаётганлиги кузатилмоқда. Масалан, АҚШ гегемонлиги, АҚШнинг бошқа давлатлар ички ишларига аралашуви, суверентитетларга таҳдиди, “рангли инқилоб”ларни қўллаши сингари масалаларда бу муаммо яққол сезилади. АҚШдаги ички ва ташқи сиёсий қарор ва амалиёт баҳоланишида неоконсерватизм таъсири устуворлиги омилини инобатга олинмаслиги натижасида бутун бир АҚШ давлатчилигига муносабат шаклида баён қилиниши ва талқин этилиши кузатимоқда.

Давлатларнинг ички ва ташқи сиёсий қарорлари шаклланишига ҳукмрон сиёсий мафкура таъсир кўрсатади. АҚШда неоконсерватизм мафкураси устуворлик қилган даврлардаги ҳокимият бошқаруви ва сиёсий қарорлар АҚШнинг доимий сиёсий амбициясини ифодаламайди. АҚШ неоконсерватизм мафкурасининг ғоявий-сиёсий эволюциясидаги ўзгаришлар, назарий ёндашувлар ҳамда сиёсий стратегияларни англаш орқали АҚШнинг муайян даврлардаги ташқи сиёсий амалиётини тушуниш, объектив баҳолаш ва прогноз қилиш имконини беради. Давлатлараро муносабатларни ривожлантириш ва ҳамкорлик алоқалари мўлжалларини, истиқболини белгилаш чораларини кўриш малакасини оширади

Илмий муаммонинг ўрганилиши ва унга тадқиқотчининг муносабати

Ғарб сиёсатшунослигида АҚШ неоконсерватизм мафкураси тадқиқига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда ва асосан неоконсерватизмнинг АҚШ сиёсий қарашлари тизимида тутган ўрни ва неоконсерватив ташқи сиёсий ёндашувлар баёни устунлик қилади. Хусусан, Д.Вейсса, Ж.Эрман, Г.Доррием,

Б.Томпсон ва Я.Брук сингари ғарблик тадқиқотчилар[70] ишлари АҚШда неоконсерватизмнинг шаклланиши тарихи, неоконсерватизмнинг АҚШ ички ва ташқи сиёсатига таъсири масалалари ўрганилиб, неоконсерватив мафкура шаклланишининг тарихий шарт-шароитлари, АҚШ неоконсерватизми шаклланишининг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий асослари таҳлили ва нисбатан мўътадил ёндашув устунлиги нуқтаи назаридан аҳамиятли ҳисобланади. Фикримизча мазкур тадқиқотчилар илмий муаммонинг шаклланиши билан боғлиқ жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратганлиги учун замонавий неоконсерватизмнинг ғоявий-сиёсий эволюцияси омиллари, ўзгариш тенденцияларига етарлича эътибор қаратишмаган.

П.Готтфрид ва Р.Хауз сингари тадқиқотчилар[71] эса неоконсерватизмнинг фалсафий асослари, хусусан, Лео Штраус ғояларининг АҚШ неоконсерватизми шаклланишига таъсирини асослашга ҳаракат қилишган бўлиб, кўпроқ ижтимоий-фалсафий қарашлар таъсири сезилиб туради. Муаллифлар АҚШ жамиятидаги янгича консерватив ғоялар ривожининг Лео Шратус ғоялари асосида шаклланиши, ижтимоий-маданий инқироз шароитида янги консерватив мафкуранинг заруратини асослаш ҳамда унга устувор аҳамият қаратишга эътибор қаратилганлигини таҳлил қилишган. Мазкур тадқиқотлар АҚШ неоконсерватизм мафкурасининг назарий-концептуал даражада шаклланиши ва амал қилиш асослари таҳлили нуқтаи назаридан аҳамиятли бўлиб, неоконсерватив мафкуранинг асосий ғоялари ва фундаментал ёндашувлар ҳамда кейинги даврлардаги ғоялари шаклланишига таъсирини баҳолаш имконини беради. Шу билан бирга АҚШ неоконсерватизм оқимининг назариётчилари, неоконсерватив гуруҳлар шаклланиши, неоконсерватизмнинг институционаллашуви омиллари таҳлилида мазкур тадқиқотлардан самарали фодаланиш мумкин. Лекин, мазкур муаллифлар ишларида неоконсерватизмнинг ғоявий-сиёсий эволюцияси, категориал аппарати шаклланиши ва ривожланиши масалаларига етарлича эътибор қаратилмаган.

Шу билан бирга неоконсерватизм назариётчилари Э.Абрамс, Ж.Болтон, М.Бут, П.Вулфовиц, Р.Каган, Ж.Кирпатрик, Ч.Краутхаммер, И.Кристол, У.Кристол, Д.Муравчик, Р.Перл, Н.Подгорец, С.Хантингтон ва Ф.Фукуяма сингари тадқиқотчилар ишларида[72] АҚШ неоконсерватизмининг ғоявий-сиёсий асослари ишлаб чиқилган бўлиб, неоконсерватив мафкуранинг замон ва макондаги ижтимоий-сиёсий, мафкуравий жараёнлардаги ўзгариб бориш омиллари ҳамда ривожланиш имкониятлари кўрсатиб берилади. Неоконсерватизм мафкурасининг “АҚШ неоконсерватизми” сифатида қарор

[70] Vaisse J. Neoconservatism: The History of the Movement. – Harvard: Harvard University Press, 2010.; Erhman J. The Rise of Neoconservatism: Intellectuals and Foreign Affairs, 1945-1994. – New Haven: Yale University Press, 1995.; Dorrien G. Imperial Designs. – New York: Routledge, 2004.; Thompson B.C. Brook Y. Neoconservatism: an Obituary for an Idea. – New York: Paradigm Publishers, 2010.

[71] Gottfried P.E. Leo Strauss and the Conservative Movement in America. – New York: Cambridge University Press, 2012.; Howse R. Leo Strauss: Man of Peace. – New York: Cambridge University Press, 2014.

[72] Муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

топиши мазкур муаллифлар томонидан илгари сурилган ғоялар, мафкуравий категориялар, тамойил ва субъектив қарашлар асосига қурилади. Мазкур муаллифлар АҚШда шаклланган неоконсерватив мафкуранинг асосий назариётчилари ҳисобланишади. Улар ўз ишларида АҚШдаги неоконсерватизмнинг асосий ғояларини изоҳлашган, асослашган ҳамда устувор аҳамиятини исботлашга уринишган. Лекин уларнинг қарашларида ўта субъективизм яққол сезилиб туради. Турли даврлардаги мафкуравий муносабатларда муросасизлиги, яхлит мафкуравий оқим сифатида намоён бўлишига тўсқинлик ва ғоявий беқарорлиги билан характерланади. Шу билан бирга замон ва макондаги ўзгаришлар таъсирида шакллантирилган ғоявий асослари, мафкуравий категорияларини тизимлаштиришда мазкур муаллифларнинг илмий-публицистик ишларидан фойдаланиш илмий муаммони очиб беришга ҳизмат қилади.

Ғарб сиёсатшунослигида, хусусан, П.Бьюкенен, Г.Киссенжер, Д.Купер сингари неоконсерватизм танқидчилари[73] ишларида неоконсерватизмни танқидий ўрганиш ва унинг ижтимоий-сиёсий беқарорлик манбаига айланиб бораётганлигига эътибор қаратилади. Хусусан, неоконсерватизмнинг ғоявий-сиёсий хавфи нафақат АҚШ жамияти ривожига балки халқаро майдонда, дунёнинг мафкуравий манзарасидаги беқарорлашув омили сифатида талқин этилади. АҚШ илмий жамоатчилигида неоконсерватив мафкурага нисбатан танқидий муносабатни шакллантириш, сиёсий тизим шаклланишига кўрсатаётган беқарорлаштирувчи таъсирини очиб бериш ҳамда мафкуравий легитимлашуви хавотирлари баёни билан характерланади. Аммо фикримизча, мазкур муаллифларнинг қарашлари кўпроқ субъектив бўлиб, мафкуравий дискурсдаги рақобат нуқтаи назаридан баён қилишга уриниш сезилиб туради.

МДҲ мамлакатлари тадқиқотчилари томонидан неоконсерватизмнинг ўрганилиши XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган бўлиб, кичик Жорж Буш маъмурияти даврида (2001-2009) ўзининг энг юқори чўққисига чиқди. Хусусан, Э.Я.Баталов, А.А.Галкин, П.Ю.Рахшмир ва А.Ю.Мельвиль сингари тадқиқотчилар[74] ишларида “совуқ уруш” давридаги АҚШ неоконсерватизмининг мафкуравий ёндашувлари, хусусан, коммунистик тузум таҳдиди билан боғлиқ қарашлар, АҚШ сиёсий мафкураларидаги ютуқ ва камчиликлар, АҚШ жамиятига таъсири масалаларига таҳлилига эътибор қаратишган бўлиб, неоконсерватизмга танқид яққол сезилиб туради. Мазкур муаллифлар ишларида масалага “Икки қутбли дунё тартиботи” ракурсида ёндашганликлари, АҚШ неоконсерватизм мафкурасининг шаклланиши ва ҳукмрон мафкурага интилиши асосан коммунистик тузумга қарама-қарши ғоявий оқим сифатида қарор топишга интилиш сифатида баҳолашганликларини кўриш мумкин. Аммо фикримизча, АҚШ

[73] Муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

[74] Баталов Э.Я. Политическая культура современного американского общества – М.: Наука, 1990.; Галкин А.А., Рахшмир П.Ю. Консерватизм в прошлом и настоящем. – М.: Наука, 1987.; Рахшмир П.Ю. Американские неоконсерваторы и имперская идея // Новая и новейшая история. – 2008. – №4.; Мельвиль А. Ю. США - сдвиг вправо? Консерватизм в идейно-политической жизни США 80-х годов. – М.: Наука, 1986.

неоконсерватизмнинг ғоявий-сиёсий эволюциси тадқиқига кўра неоконсерватизмнинг шаклланиш омиллари мазкур тадқиқотчилар томонидан етарлича кўриб чиқилмаганлиги ҳамда “совуқ уруш”дан кейинги мафкуравий муносабатларга эътибор қаратилмаганлиги маълум бўлади. Шу нуқтаи назардан уларда асосан мафкуравий рақобат омилига устувор аҳамият қаратилганлиги ва танқидий ёндашув устунлик қилганлиги сабабли объектив илмий хулосалари чиқариш имконини бермайди.

Г.Е.Тронина, Г.Н.Багдасарова, Г.Д.Мюллер, С.А.Шестаков, К.А.Стурсь, К.В.Блохин, С.Кислицин сингари тадқиқотчилар[75] ишларида консерватизм ва неоконсерватизм мафкураларининг ғоявий-сиёсий эволюцияси, уларнинг қиёсий таҳлили, ташқи сиёсий мафкураси шаклланиши ва ривожланиш тенденциялари, турли давлатлардаги сиёсий-мафкуравий жараёнларда тутган ўрни масалалари илмий ўрганилиб, замонавий консерватив ғоялар ривожи борасида муҳим илмий хулосалар илгари сурилди. Замонавий даврлардаги мафкуравий муносабатлар, мафкуравий дискурс масалаларида жиддий тадқиқотлар амалга оширилганлиги билан ҳарактерланади. АҚШ неоконсерватизмининг ғоявий эволюцияси, ички ва ташқи сиёсат шаклланишига таъсири илмий таҳлил қилиниши ва асосланиши билан аҳамиятга эгадир. Неоконсерватизмнинг мафкуравий оқим сифатида шаклланиш босқичлари даврлаштирилиши унинг ғоявий-сиёсий эволюцияси борасида яхлит илмий тасаввур шаклланишига ҳизмат қилади. Шу билан бирга фикримизча, мазкур муаллифлар тадқиқотларидаги мафкуравий оғиш ёки айрим неоконсерватив ғояларнинг салбий таъсирига устувор аҳамият қаратилиши АҚШ неоконсерватизмининг баҳоланишидаги субъектив ёндашувларнинг устун бўлиши ва нохолис баҳоланишига сабаб бўлган.

С.М.Самуйлов, К.Гаджиев, В.А.Гусев, А.Гушер, А.И.Шумилин, А.В.Сарабьев, Е.Ананыва, А.Сушенцов сингари тадқиқотчилар эса неоконсерватив ташқи сиёсий ёндашувларнинг назарий асослари, неоконсерватизмнинг АҚШ миллий хавфсизлик стратегияси шаклланишига таъсири, неоконсерватив тузилмаларнинг кичик Ж.Буш маъмурияти сиёсати шаклланишидаги ўрни, АҚШнинг 2000-2010-йиллардаги Яқин Шарқ минтақасидаги, хусусан, Афғонистон ва Ироқдаги амалга оширган ҳарбий ҳаракатлари ва неоконсерватив концепцияларнинг назарий ва амалий муаммолари ҳамда “совуқ уруш”дан кейинги даврлардаги АҚШнинг глобал етакчилиги масалалари ўрганилишига эътибор қаратишган. Мазкур муаллифлар ўз тадқиқотларида АҚШ неоконсерватизмининг XX аср охири ва XXI аср бошларидаги ғоявий такомиллашуви, ташқи сиёсий ёндашувларининг асосланиши ҳамда неоконсерватив амалиёт масалаларининг баёнига эътибор қаратишган бўлиб, асосан гегемонлик, бир қутблиликка интилиш асносида шаклланган неоконсерватив ёндашувлар танқиди, халқаро хавфсизликка

[75] Мазкур муаллифлар тадқиқотлари диссертация охирида “Фойдаланилган адабиётлар рўйҳатида” келтирилган.

таъсири ҳамда геосиёсий жараёнлар билан боғлиқлиги борасидаги хулосалари, далиллар илмий муаммо тадқиқи учун муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган тадқиқотчилар томонидан замонавий сиёсий жараёнлар, сиёсий маданият ва мафкура, мафкура ва унинг категориал таснифи, сиёсий барқарорлик омиллари ва таҳдидлар, диннинг сиёсийлашуви сингари сиёсатшуносликнинг фундаментал муаммолари тадқиқи амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, Ш.Пахрутдинов, Т.Жўраев, Б.Тўйчиев, С.Жўраев, А.Қодиров, Х.Одилқориев, Ш.Ғойибназаров, М.Қуронов, У.Мухаммадиев, Д.М.Маматқулов сингари юртимиз олимлари ишларидан[76] фойдаланиш муаммонинг илмий-назарий, методологик жиҳатларини ёритиш, воқеликка илмий ёндашиш, илмий муаммонинг фундаментал аспектларига эътибор қаратиш, сиёсий билимлардаги объектив илмий хулосаларга таяниш нуқтаи назаридан аҳамиятлидир. Шу билан бирга мафкура ва сиёсий мафкура мавзусининг долзарблиги, назарий талқини, жамият сиёсий маданиятига таъсир кўрсатувчи мафкуравий омилнинг ўрни, мафкуравий таҳдидлар, уларнинг таснифи, мафкураларнинг сиёсий-категориал таҳлили борасида умумметодологик аҳамиятини эътироф этиш мумкин. Лекин, фикримизча, миллий сиёсий тадқиқотлар тизимида замонавий мафкуравий жараёнлар, сиёсий мафкураларнинг илмий-назарий тадқиқи, ривожланиш омиллари ва ғоявий-сиёсий эволюцияси масалаларида етарличи илмий тадқиқотлар кўламини мавжуд имкониятлар даражасида қониқарди деб бўлмайди.

З.Мунавваров, Н.Касимова, Г.Юлдашева, М.Асқаров, С.Ғофуров, К.Шониёзов, С.Рустамбоев, З.Саипов, Б.Очилов, М.Муҳаммадсидиқов, А.Очилдиев ва А.Абдисаттаров сингари тадқиқотчилар ишларида[77] хорижий Шарқ ва Ғарб давлатларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Яқин Шарқдаги геосиёсий жараёнлар, жаҳон сиёсатида ислом дини омили, диннинг сиёсийлашуви, АҚШнинг минтақавий ва глобал сиёсати, миллий манфаатлар ва глобал хавфсизлик муаммоларига қаратилган тадқиқотларда неоконсерватизмнинг ташқи сиёсий ёндашувларига қисман эътибор қаратилади. АҚШ неоконсерватизм мафкурасининг сиёсий қарорлар қабул қилишга таъсири ҳамда ташқи сиёсат стратегиялари шакллантирилишидаги ўрни, ташқи сиёсий неоконсерватив амалиёт масалалари тадқиқи ҳамда

[76]Пахрутдинов Ш., Назаров Н. Таҳдидбардош жамият: тушунча ва моҳият // Ўзбекистон матбуоти. − 2009. − № 5. − Б. 33−35.Жўраев Т.А., Пахруддинов Ш.И. Дунёвий давлатчилик ва сиёсийлашган динийлик. – Т.: Академия, 2008;

[77]Мунавваров З.И. Страны Аравийского полуострова в международных политических и экономических отношениях 20 века: автореф. дисс. ... док. полит. наук. – Т., 1997; ўша муаллиф. “Араб баҳори” ва Марказий Осиё хавфсизлиги муаммолари // Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари (илмий-амалий конференция материаллари). - Т.: ТошДШИ, 2016. - Б.79; Муҳаммадсидиқов М.М. Араб мамлакатларида давлат ва дин муносабатлари. – Т.: Qaqnus media, 2019. – 202 б; Африка араб давлатларида диннинг сиёсийлашуви ва унинг сиёсий жараёнларга таъсири. Сиёс. фан. докт. (DSc) дисс. автореф. - Т.: ТДШИ, 2018.; Абдисатторов А.А. Форс кўрфази араб давлатлари ташқи сиёсатида “ислом омили”нинг сиёсий таҳлили: сиёсий фан номз. ... дисс. автореф. –Т.: ТошДШИ, 2005; Каримов Ф.Э. Яқин Шарқ давлатларидаги этносиёсий жараёнларнинг минтақа хавфсизлигига таъсири: сиё. фан. PhD... дисс. автореф. – Т.: ЎзМУ, 2017.

замонавий геосиёсий жараёнларда тутган ўрнини баҳолашда юртимиз олимларининг илмий тадқиқотлари натижаларидан, илмий хулосаларидан фойдаланиш илмий муаммонинг методологик масалалари, тадиқоқот усулларидан фойдаланишда муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга миллий сиёсатшунослик билимлари ривожида мустақиллик йилларида чоп этилган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг ҳам ўрни катта бўлди[78].

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, АҚШ неоконсерватизм мафкураси, унинг ички ва ташқи сиёсий ёндашувлари масаласига оид аксарият тадқиқотларда таҳлилий эмас, балки публицистик ёндашув устунлик қилади. Шу билан бирга, АҚШ неоконсерватизмининг назарий асослари ва замонавий концептуал қарашлар таҳлилида турли хорижий манбаларда асосан бир томонлама танқидий таҳлилга таянилади. Хусусан, неоконсерватизм тарафдорлари ишларида мазкур сиёсий мафкура АҚШ сиёсий кун тартибидаги муҳим масала, миллий манфаатлар ва миллий хавфсизликни таъминлашнинг асоси бўлиши уқтирилган бўлса, кўпроқ мўътадил қарашга эга Ғарб тадқиқотларида эса глобал хавфсизлик ва либерал-демократик ислоҳотларга салбий таъсири таҳлиллари етакчилик қилади. Россиялик тадқиқотчилар ишларида ҳам асосан АҚШ неоконсерватизмига танқидий қараш устунлик қилади.

Мавжуд манбалар таҳлилидан кўринадики, юртимиз олимлари ишларида АҚШнинг ташқи сиёсати, замонавий геосиёсий ва геомафкуравий жараёнлар масалаларига эътибор қаратилган бўлсада, АҚШ неоконсерватизм мафкураси борасида ижтимоий-сиёсий фанлар доирасида алоҳида мавзу сифатида ҳанузгача махсус, комплекс ва тизимли тадқиқотлар олиб борилмаган.

Тадқиқот илмий янгилиги

АҚШ неоконсерватизм мафкураси эволюциясининг алоҳида сиёсий тадқиқот объекти сифатидаги таҳлили асосида унинг ўзига хос интегратив (либерал ва консерватив ғояларни бирлаштирувчи) хусусиятга эга сиёсий мафкура эканлиги илмий асосланган;

АҚШ неоконсерватизм мафкурасининг назарий-концептуал ва дастурий-сиёсий даражада амал қилишида мафкуравий категориялар (ижобий ва салбий образларни ифодаловчи) ифодаланиши замон (“икки қутбли дунё”, “кўп қутбли дунё” ва “бир қутбли дунё” тартиботи шаротида) ва макондаги (АҚШ ва минтақалардаги) ғоявий-сиёсий ўзгаришларга боғлиқлиги очиб берилган;

АҚШ неоконсерватизмининг мафкуравий-категориал таснифи такомиллаштирилиб, унинг дастурий-сиёсий даражада амал қилиш механизмлари шаклланишига таъсири асосланган;

[78]Одилқориев Х.Т., Раззоқов Д.Х. Сиёсатшунослик. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2009.;Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: Сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Т., 1998.;Одилқориев Х.Т., Ғойибназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданият. – Т., 2004.; Политология: Ўқув қўлланма / С.Отамуродов, И.Эргашев, Ш.Акрамов, А.Қодиров. – Т.,1999.

Дунёда “демократияни ёйиш” ташаббусларининг ғоявий асослари АҚШ неоконсерватизм мафкураси доктринаси билан узвий боғлиқлиги асосланган;

АҚШнинг глобал гегемонлик сиёсати, “Ироқ операцияси” (2003) ва халқаро терроризмга қарши кураш стратегиясининг назарий-ғоявий асослари АҚШ неоконсерватизм мафкураси таъсирида шакллантирилганлигини далиллаш орқали неоконсерватизмнинг сиёсий қарорлар қабул қилишдаги деструктив таъсири очиб берилган.

Адабиётлар:

1. Муҳаммадсиддиқов, М. (2021). ХИТОЙНИНГ ЎРТА ШАРҚДАГИ СИЁСИЙ-ИҚТИСОДИЙ ДИПЛОМАТИЯСИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *1*(Special Issue 1), 669-678.
2. Исроилова, Г., & Мухаммадсиддиков, М. (2021). ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАНИНГ ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИГИДА ТУТГАН ЎРНИ. In *ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В СОВРЕМЕННОЙ НАУКЕ* (pp. 196-200).
3. Muhammadsidiqov, M. (2018). THE INFLUENCE OF" RELIGIOUS FACTOR" ON ETHNO-POLITICAL AND CONFESSIONAL CONFLICTS IN MUSLIM COUNTRIES. The Light of Islam: Vol: Iss. 1, Article 18.
4. Muhammadsidiqov, M. (2015). Stability of North African Region. Int. J. of Multidisciplinary and Current research, 3.(In Eng).
5. MUHAMMADSIDIKOV, M. (2015). Özbekistan’da toplumsal yaşamin ana özelliği hoşgörü. *Atatürk Üniversitesi Sosyal Bilimler Dergisi*, (54), 7-14.
6. Mukhammadsidiqov, M. (2021). PROBLEMS OF THE INFLUENCE OF POLITICAL ISLAM ON SOCIAL STABILITY. *Innovative Technologica: Methodical Research Journal*, *2*(12), 30-37.
7. Mukhammadsidiqov, M. (2020). MINTAQAVIY HAMKORLIK JARAYONLARINING METODOLOGIK ASOSLARI. *Научно-просветительский журнал" Наставник"*.
8. Muhammadsidiqov, M. (2021). INTEGRATSIYA TUSHUNCHASI: MAZMUN VA MOHIYATI. *Научно-просветительский журнал" Наставник"*, (1), 68-77.
9. Muhammadsidikov, M. (2009). Religious tolerance as the main feature of the public life of Uzbekistan. *Eurasian Journal of Regional and Political Studies,(40)*, 69-72.
10. MUHAMMADSIDIKOV, M. MAIN FEATURE OF SOCIAL LIFE IN UZBEKISTAN. Atatürk University. *Journal of Social Sciences*, (54), 7.
11. Nazirov, M., & Mukhammadsidiqov, M. (2020). Central Asia: Involvement of Afghanistan in Regional Development Processes. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, *2*(12), 266-272.
12. Mukhammadsidiqov, M. (2021). Problems of Escalation of Religious Xenophobia in the ERA of Globalization. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE*, *2*(12), 17-23.